

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ ЎРНИ

Султонов Баходир Файзуллаевич,

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти”

Миллий тадқиқот университети профессори., и.ф.д.

Алимов Муродкосим Ачилович,

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи.

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга аъзо бўлиши, халқаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ўсимликлар карантини хизматининг аҳамияти баён этилган.

Калит сўзлар: ўсимликлар карантини, фитосанитар хавф таҳлили, стандарт, экспорт, импорт, зараркунанда, ҳашарот, бактерия, касаллик.

Аннотация. В статье описано значение службы карантина растений в членстве Республики Узбекистан в ВТО, развитии международных торгово-экономических связей и обеспечении безопасности пищевых продуктов.

Ключевые слова: карантин растений, анализ фитосанитарного риска, стандарт, экспорт, импорт, вредитель, бактерии, насекомые, болезнь.

Abstract. The article describes the importance of the plant quarantine service in the membership of the Republic of Uzbekistan in the WTO, the development of international trade and economic relations and ensuring food safety.

Keywords: plant quarantine, phytosanitary risk analysis, standard, export, import, pest, bacteria, insects, disease

Жаҳон иқтисодининг жадал ривожланиши халқаро савдо-иқтисодий алоқалар салмоғи ва географияси кенгайиши билан ҳамма вақт боғлиқдир. Халқаро саёҳат ва савдо кучли ривожланиб мисли кўрилмаган даражага кенгайди. Инсонлар ва товарлар бутун дунё бўйлаб ҳаракатланар экан, улар ўзлари билан ўсимликлар учун зарарли организмларни олиб боради. Инсонларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши оқибатида зарарли организмлар кўчиши тарқалиши кўпайган. Америка қитъасининг очилиши, Ҳиндистонга денгиз йўлининг очилиши ва Европа халқларининг колонизацияси авж олиши оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, экиш материаллари ва уруғликларнинг кўпплаб Европадан колонизация мамлакатларига ва улардан Европага ташиб борилишида зарарли организмлар ҳам тарқалиш жараёни кўпайган. Бундан ташқари, зарарли организмлар табиий ҳолда қушлар ва ҳашаротлар ёрдамида, сув ва шамол ёрдамида ёки зарарли организмнинг ўз табиий тарқалиши йўллари билан бошқа ҳудудларга кўчиб ўтиши мумкин. Ўтмишда зарарли организмлар табиий ҳолда тарқалган бўлса, ҳозирги халқаро савдо-иқтисодий алоқалар ривожланиши оқибатида транспорт орқали тез ва глобал миқёсда кечмоқда.

1951 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (ФАО) 6-конференциясида қабул қилинган Халқаро ўсимликларни ҳимоя қилиш конвенцияси (МККЗР) ўсимликларнинг санитар ҳолатини асраш, зараркунандаларнинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш соҳасидаги халқаро шартнома бўлиб, маданий ва ёввойи ўсимликларни ҳимоя қилишга қаратилган.

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) маълумотларига кўра, дунё бўйича бир йилда инсон истеъмоли учун етиштирилган жами қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 1/3 қисми, яъни 1,3 млрд. тоннаси нобуд бўлади (FAO, 2011). Натижада, қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот маҳсулотлари

етиштирувчилардан бошлаб барча занжир иштирокчилари, шунингдек, охир-оқибат истеъмолчилар ҳам иқтисодий зарар кўради, озиқ-овқат танқислиги ва нархлар ўсиши кузатилади.

Бугунги кунда ўсимликлар карантини соҳасида фан ва амалиётни янги иқтисодий талабларга мослаштириш қийин бўлиб, бу ўсимлик ва бошқа тартибга солинадиган маҳсулотлар экспорт-импорт тизимидаги йўналишнинг доимий ўзгариб бориши, сифатли уруғлик материаллари билан етарли даражада таъминланмаганлиги, экинларни жойлаштириш бўйича экин майдонларининг кескин ўзгариши, шу жумладан, фитосанитария давлат хизмати фаолиятининг бюджетдан маблағ билан таъминланганлиги, шунингдек, экспорт-импорт операцияларининг тартибсиз, сифатсиз назорат қилинаётган амалиёти билан боғлиқ.

Хорижий мамлакатлардан кириб келиб иқтисодий зарар келтирадиган зараркунандаларга сарфланадиган харажатлар салмоғи анчагина катта эканлигини қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин.

АҚШда бир йилда ўсимликлар зарарли организмларига қарши кураш чора-тадбирларига сарфланадиган харажатлар 137 млрд. долларни ташкил этади.

Биргина хавфли карантин капра қўнғизи 100 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги ўсимлик турларини зарарлайди. Россияда биргина капра қўнғизи зарарлаши эҳтимолини ҳисоблаб чиққанда йилига 26 млрд. рублни ташкил этган. 1985-86 йилларда фақатгина Ставропол ўлкасида капра қўнғизи туфайли 2 та ун комбинати иш тўхташи оқибатида 1986 йилдаги баҳосида 2 млрд. рубль зарар кўрган.

Зарарли организмларни кириб келиши ва етказиладиган иқтисодий зарари ҳисобланганда (Россия учун) Америка қарағай пармаловчиси (*Pseudips mexicanus* (Hopkins) 741,6 рубл, пўстлоқхўр (*Ips emarginatus* (LeConte)) – 665,8 млрд рубл, ғарб гилос пашшаси (*Rhagoletis indifferens* Curran)

нинг иқтисодий зарари 4,3 млрд. рубл, кунгабоқар олақаноти (*Strauzia longipennis* (Wiedemann)) – 30 млрд. рубл миқдорда қишлоқ хўжалигига зарар келтириши ҳисоблаб чиқилган.

Маккажўхорининг диабротика кўнғизи 1990 йиллар Югославияга кириб келиб ҳозирда Европанинг 22 та мамлакатларида карантин ҳашарот сифатида рўйхатга олинган. Маккажўхорининг диабротика кўнғизи “Миллиард долларлик кўнғиз” дейишади. АҚШда биргина ушбу кўнғиз учун бир йилда 1 млрд. доллардан ортиқ сармоя сарфланар экан.

Ҳозирги пайтда мамлакат қишлоқ хўжалиги иқтисодига жиддий хавф туғдирадиган яна бир ашаддий карантин организм бу картошка нематодасидир. Халқаро экспертларнинг ҳисоб-китобида кўра, нематодаларнинг қишлоқ хўжалиги экинларига йиллик зарари бутун дунё миқёсида 100 миллиард доллардан ошган. Олтинранг ва нимранг нематодалар картошка ва бошқа турдаги полиз экинлари ҳосилдорлигини йўққа чиқаради. Асосий зарарланувчи қишлоқ хўжалиги экини – картошка бўлиб, шунингдек, помидор ва бақлажонга ҳам кам миқдорда бўлса ҳам зарар келтирар экан.

Нематодаларга қарши курашишда самарали кимёвий воситалар шу кунгача ишлаб чиқилмаган. Зараркунандалар тарқалган ҳудудларда 30 йилгача картошка ва полиз экинларини етиштириб бўлмайди.

Олимлар таҳлилларига кўра, ҳозирги пайтда Европада, хусусан, Испания, Италия, Греция каби дунёнинг 95% зайтун ёғи ишлаб чиқариладиган давлатларида зайтун дарахтлари ксиллелла фастидиоза туфайли қуриб бормоқда. Бунда Испания 17 млрд., Италия 5 млрд. ва Греция 2 млрд. евро зарар кўриши ва 300 минг иш ўрни қисқаришига сабаб бўлиши адабиётлардан маълум. 2013 йилдан 2017 йилгача бу бактериал касаллик 8 гектар (Лечче провинцияси)дан 71536 гектар майдонни эгаллаб улгурган. Лечче ва Бриндизи провинцияларини зарарлаб Таранто провинцияси бир қанча ҳудудларига (21%) тарқалиб, 60 млн. зайтун дарахти зарарланган.

Ксилелла фастидиоза туфайли биргина Италия жанубида 11 млн. дарахтни кесиб ва ёқиб юборилган. Уларни аксари 200-500 йиллик дарахтлар. Ушбу бактерия зайтун дарахтидан бошқа 600 турдаги ўсимликка зарар келтириши аниқланган.

Маккажўхорининг бактериал вилти ҳосилни 30 фоиздан 80 фоизгача камайтириб юборади, шолининг бактериал куйиш касаллиги эса 22 фоиздан 80 фоизгача, буғдойнинг сариқ шилимшиқ бактериоз касаллиги 50 фоизгача ҳосилни камайтириб юбориши мумкин.

Юқоридаги мисоллардан кўриш мумкинки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бирга зарарли организмлар ҳам кириб келиб катта иқтисодий зарар келтириши мумкин. Бундай ҳолларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдо айланмасида ўсимликлар карантини ва фитосанитар назоратнинг ўрни ва аҳамияти муҳимдир.

Давлатимиз раҳбари 5 июнь куни Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ)нинг еттинчи бош директори Нгози Оконжо-Ивеала билан учрашувида Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилиши борасида кўрилаётган амалий чора-тадбирлар муҳокама қилинган. Шунингдек, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш, электрон савдо ва рақамли хизматлар экспортини ошириш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланган. Ўзбекистон 2026 йилга келиб ЖСТга аъзо бўлишни мақсад қилган.

Маълумки, Жаҳон савдо ташкилоти давлатлараро кўп томонлама савдо тизимини мувофиқлаштириб турувчи нуфузли халқаро тузилмадир. Дунё савдосининг 98 фоизи унга аъзо 166 та мамлакат ҳиссасига тўғри келади. Ташкилотнинг асосий вазифаси – эркин ва шаффоф савдо муносабатларини

тартибга солиш ва уни кенгайтириш орқали аъзо мамлакатлар барқарор тараққиётини таъминлаш ва инсонлар турмушини яхшилаш ҳисобланади. Бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар мақсадига тўлиқ мос келади.

Халқаро савдо-сотиқ жараёнида зарарли организмлар, касалликлар ва бегона ўтларнинг мамлакат ҳудудига миллий чегараларни кесиб ўтиб кириб келувчи ташқи омилларнинг ўзига хос шаклидир. Бу жараёнда мамлакат ҳудудига зарарли организмлар кириб келиши ва тарқалишидан ҳимоя қилиш даражаси қандай деган савол туғилади.

ЖСТ ташкилотига аъзо мамлакатлар учун ушбу ташкилотга аъзо бўлиш жараёнидаги келишувда (келишув шартномасининг 5-моддаси) ЖСТ ташкилоти томонидан бундай салбий оқибатларга оид қуйидаги иқтисодий омиллар киритилган:

зарарли организмнинг кириб келиши, яшаб қолиши ёки тарқалиб кетиши оқибатида ишлаб чиқариш ёки савдо соҳаси қанча зарар кўриши мумкин;

импортер мамлакатга кириб келгач, дастлаб аниқланганда ушбу зарарли организмнинг тарқалиш кўлами, унга қарши кураш ёки йўқ қилиш учун харажатлар миқдори ҳисоблаб чиқиши керак;

фитосанитар хавфни юмшатишда бошқа муқобил йўлларининг афзалликларини ўрганиб чиқиш лозим.

Зараркунандалар ва касалликлар кириб келган, дастлабки аниқланган даврдан кейин вақт ўтиши билан тарқалиш кўлами кенгайиб бориши ёки бутунлай тарқалиб кетиши мумкин. Шу сабабли айтиш мумкинки, бунда иқтисодий харажатлар, ва экологияга келтириладиган иқтисодий зарар миқдори ўзгариб туриши мумкин. Бунда зараркунандаларга қарши кураш учун маблағлар ажратиш, уларнинг кенг тарқалиб кетмаслиги учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш давлат ички сиёсатининг бир қисмига айланиб қолади.

Шу сабабли ЖСТ шартномаларида келтирилган харажатларни таҳлил қилиш лозим. Бу келажақда зараркунанда ва касалликлар майдонларининг кенгайиши ва тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ харажатларни назорат қилиш имконини беради.

ЖСТга аъзо бўлиши баробарида Ўзбекистон Республикасида мавжуд фитосанитар талаблар ушбу халқаро ташкилотнинг халқаро фитосанитар талабларига мувофиқлаштириш лозим бўлади. Ўзбекистон Республикаси ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ЖСТ ташкилоти томонидан жорий этилган “Санитария ва фитосанитария чора-тадбирларига амал қилиш бўйича битим”га риоя қилиши лозим бўлади. Бунда фитосанитар талаблар “техник асослари” мавжуд бўлиши талаб этилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилиш жараёнидаги ўсимликлар карантини бўйича техник жиҳатдан асосланмаган ҳар қандай талаблар “асосиз талаблар” сифатида қабул қилиниб, ўсимлик ва ўсимлик маҳсулотларини экспорт қилувчи мамлакатлар томонидан ЖСТ ташкилотига импортер мамлакатларнинг асосиз талаблари устидан эътироз билдиришига сабаб бўлади.

Фитосанитар хавф таҳлили (АФР) ўсимликлар карантини бўйича техник асос бўлиб хизмат қилади. Халқаро талаблар ва нормалар доирасида илмий асосланган ва расмийлаштирилган фитосанитар хавф таҳлиллари ушбу зарарли ҳашарот, касаллик ёки бегона ўт ва бошқа организмларни карантин организмлар рўйхатида киритиш ва фитосанитар чора-тадбирларни қўллаш учун асос бўлади. Шу сабабли фитосанитар хавф таҳлили ўсимликлар карантинида ва уларни зарарли организмлардан ҳимоя қилишда халқаро ва миллий фитосанитар ташкилотлари иш жараёнида энг муҳим механизм бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси стандартларини дунёда қўлланилаётган "Халқаро фитосанитар стандарт"лариға мувофиқлаштириш юзасидан Жаҳон ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилоти томонидан жорий этилган ҳозирда амалдаги 43 та халқаро фитосанитар меъёрлар ўзбек тилиға таржима қилиниб, уларнинг 30 таси жорий этилди.

Ўсимликлар карантини хизмати ўсимлик ва ўсимлик маҳсулотлари билан савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутди. Ишлаб чиқиладиган маҳсулот сифатини

ва экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, касаллик, ҳашарот ва бегона ўтлар ҳамда бошқа хавфли, зарарли организмларға қарши курашда иқтисодий харажатларни камайтириб, импортер мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиғи ва мева-сабзавот экспорт маҳсулотлариға бўлган талаблари асосида халқаро меъёрлар ва стандартларға жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш орқали маҳсулот етиштирувчи ва экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари даромадларини ошириш орқали ҳар бир вилоят ва мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантиради.

АДАБИЁТЛАР:

1. FAO, 2011. Global food losses and food waste – Extent, causes and prevention. Rome.
2. The WTO Agreement on Sanitary and Phytosanitary Measures: A Commentary by Joanne Scott // World Trade Review. – 2009.
3. Конвенция о создании Европейской и Средиземноморской организации по защите растений (18 апреля 1951 г.).
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ЖСТ бош директори доктор Нгози Оконжо-Ивеалани қабул қилди. 5.06.24-й.
5. Джаманкулов Н. Вопросы соответствия системы технического регулирования и СФС мер в ЕАЭС правилам и принципам ВТО.
6. А.М.Перальта. МККЗР. Международные стандарты по фитосанитарным мерам- Международная конвенция по карантину и защите растений (МККЗР) Киев, Украина. Ноябрь 2013 г
7. Р. Арнитис, генеральный директор ЕОКЗР. А.Д. Орлинский, научный советник ЕОКЗР, "На страже экономической и экологической безопасности". Ж. Защита и карантин растений № 4, 2012.

УЎТ: 632.4. 634.8

ТОКНИНГ ОИДИУМ ВА МИЛДЬЮ КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ ГЛОБАЛ 65% Н.КУК. ФУНГИЦИДИНИНГ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ

Рахматов Асрор Ахрорович, лаборатория мудири, к/х ф.н.,
Акбаров Миржамол Миродилович, катта илмий ходим,
Туропов Нодиржон Хакимжон ўғли, кичик илмий ходим,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий тадқиқот институти,
Саттаров Қудрат Норқул ўғли, ассистент,
Тошкент давлат аграр университети.

Аннотация. Мақолада токнинг оидиум ва милдью касаллиғига қарши Глобал 65% н.кук. (2,5 кг/га) фунгицидининг биологик самарадорлиғи ўрганилган. Синолдаги фунгицид токнинг гуллашдан олдин, иккинчи шлов гуллашдан сўнг ва учинчи шлов иккинчи шловдан 14 кундан сўнг жами 3 мартаба кимёвий шловлар ўтказилган. Токнинг оидиум ва милдью касаллиқларига қарши Глобал 65% н.кук. фунгициди қўлланилганда яхши самара берган. Фунгицидининг оидиум касаллиғига қарши биологик самарадорлиғи баргларида – 86,5%, новдаларда -87,1% ва узум бошларида – 86,8% ни ва милдью касаллиғига қарши эса баргларида – 86,5%, новдаларда -89,2% ва узум бошларида - 88,1% ни ташкил этган.

Калим сўзлар: ток, касаллик, милдью, оидиум, замбуруг, касаллик қўзғатувчи, касалланиш, касаллик ривож, биологик самарадорлик, фунгицид.

Аннотация. В данной статье приведены результаты применения фунгицида Глобал 65% с.п. (2.5 кг/га) в борьбе с оидиумом и милдью виноградной лозы. Проведена 3-х кратная обработка: до цветения, после цветения и через 14 дней после второй обработки. Испытанный препарат в борьбе с оидиумом и милдью винограда показал высокие результаты. Биологическая эффективность фунгицида в борьбе с оидиумом составила: на листьях - 86,5%, на побегах -87,1% и на гроздях - 86,8%, а в борьбе с милдью составляла: на листьях - 86,5%, на побегах - 89,2% и на гроздях – 88,1%.

Ключевые слова: виноград, болезни, милдью, оидиум, грибок, возбудитель, поражаемость, развитие болезни, биологическая эффективность, фунгицид.

Abstract. This article presents the results of using the fungicide Global 65% sp. (2.5 kg/ha) in the fight against oidium and mildew of grapevine. Three treatments were carried out: before flowering, after flowering and 14 days after the second treatment. The tested drug showed good results in the fight against oidium and grape mildew. The biological effectiveness of the fungicide in the fight against oidium was: on leaves - 86.5%, on shoots - 87.1% and on bunches - 86.8%, and in the fight against mildew was: on leaves - 86.5%, on shoots - 89.2% and on bunches – 88.1%.

Keywords: grapes, diseases, mildew, oidium, fungus, pathogen, susceptibility, disease development, biological effectiveness, fungicide.